

**Навоий вилоят халк таълими бошкармаси
Ахборот –ресурс маркази
Илмий-услугиёт бўлими**



***«Бобур асарларида Ватан
туйғуси»***

***Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) таваллудининг
533 йиллигига бағишланган услубий қўлланма.***

Навоий 2016 йил.

Илмий услубият бўлими томонидан тайёрланди.

Тўпловчи:

О.Бахронова

Ҳурматли фойдаланувчилар!

Заҳириддин Муҳаммад Бобур деганда ўзбек адабиётининг йирик давлат арбоби, машҳур саркарда, забардаст шоир, билимдон муаррих, нуқтадон олим қудратли давлат арбоби, кўплаб музаффар юришларни амалга оширган жасур ва моҳир саркарда баркамол бир зот кўз ўнгимизда гавдаланади.

Ушбу қўлланма Ахборот-ресурс маркази ходимлари, ўрта ва катта ёшдаги фойдаланувчилар, ўқитувчилар, кенг ўқувчилар оммаси ҳамда маҳалла муассасаси вакилларига мўлжалланган.

Навоий вилоят Халқ таълими
бошқармаси Ахборот-ресурс
марказининг 08.02 2016 йил _5_
сонли қарори билан тасдиқланган

Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанчафахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улуғ аجدодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади.

Ислом Каримов

“Халқ қалбидан жой олган Сиймо”

Олмос кирраларидай нур сочиб турган бу сўзлар Бобурнинг дунёга келадиган асарларида бир ноёб сиймо эканлигидан далолат беради. Чунки у шунча даҳшатлардан, шунча кулфату фалокатларни бошдан кечиришга қарамай, ўзидаги энг яхши фазилатларни йўқотмади, унга табиат берган истеъдодни беҳуда хайф қилмади, балки тенгсиз меҳнатсеварлик ва фидокорлик билан улуғ давлат барпо этди ва ўлмас асарлар ёзиб қолдирди.

Баркамол авлод тарбияси учун Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ аждодларимизнинг ҳаётий тажрибаси ҳамда ижодий меросини ўрганиш, уларнинг ибратли жиҳатларини ўзлаштириш олдимизда турган долзаб вазифалардандир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур деганда ўзбек адабиётининг Алишер Навоийдан кейинги энг буюк намоёндаси, Ҳиндистонда 332 йил ҳукм сурган буюк бобурийлар салтанатига асос солган қудратли давлат арбоби, кўплаб музаффар юришларни амалга оширган жасур ва моҳир саркарда, жаҳон мемуар адабиётининг нодир дурдоналаридан бўлмиш «Бобурнома» ни яратган билимдон ва ҳақгўй муаррих, бастакор, гўзал ҳусниҳат соҳиби, серқирра фаолият ва истеъдод эгаси бўлган баркамол бир зот кўз ўнгимизда гавдаланади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди.

Бобур (тахаллуси;тўлиқ исми Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо) (1483.14.2, Андижон – 1530.26.12,Агра) – ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили: буюк шоир : тарихчи, географ; давлат арбоби, истеъдодли саркарда; бобурийлар сулоласи асосчиси, темурий шахзода.

Унинг отаси - Умаршайх Мирзо Фарғона вилоятининг ҳокими бўлган. Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигор хоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи бўлган.

Бобурнинг болалиги асосан Андижон ва унинг атрофларида ўтди. Бобур сарой муҳотида ўқиди ва тарбия топди. Ёшлигидан илм-фанга, шеърятга қизиқа бошлади. Довюраклиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан “Бобур”(Шер) лақабини олган. Отаси вафотидан кейин 1494 йил июнь ойида, ўн икки ёшда тахтга ўтирди. Бобурнинг сиёсий фаолиятидаги дастлабки мақсади Амир Темур давлатининг пойтахти стратегик ва географик жихатидан муҳим бўлган Самарқандни эгаллаш ва Мовароуннаҳрда марказлашган кучли давлатни сақлаш, мустаҳкамлаш ҳамда Темур империясини қайта тиклаш эди. 1495-1496 йилларда Бобур Самарқандга икки марта муваффақиятсиз юриш қилди. 1497-1498 йилларда у Самарқанд атрофидаги бир қанча жойларни ва Самарқандни эгаллайди. Самарқанд ҳокими Бойсунғур Мирзо эса Қундузга қочади.

Бобур Самарқандни юз кун идора қилади. Андижонда унга қарши исён кўтаргани учун Самарқандни ташлаб Андижонга қайтади, лекин уни эгаллай олмагач, Хўжандга, сўнг Тошкент ҳокими Султон Маҳмуд олдига бориб, улар ёрдами билан Андижонни олади. 1500 йилда Самарқандни иккинчи марта эгаллайди. Шу йили Алишер Навоий билан хат ёзиша бошлайди. Лекин иккинчи хатига жавоб келгунча Самарқанд шайбонийлар қўлига ўтиб кетади. Бу даврда мамлакат сиёсий ҳаётида бебошлик, ўзаро урушлар кучайиб бормоқда эди. Бир томондан, шимолдан, Дашти қипчоқдан келаётган шайбонийхон қўшинларининг тазйиқи остида, иккинчи томондан, темурийлар орасидаги ихтилоф, ўзаро келишмовчилик натижасида Бобур Фарғонани ҳам ташлаб чиқишга ва жанубга қараб йўл олишга мажбур бўлади.

Ҳисордаги парчаланиб бораётган беклар, алоҳида-алоҳида яшаётган афғон қабилалари бирин-кетин Бобур томонига ўтдилар. 1504 йилда эса Қобул вилоятининг ҳокими шаҳарни Бобурга топшириб таслим бўлди. Лекин Бобур ўз ватанидан тамом умидини узмади. 1506 йилда Хуросон подшоси Ҳусайин Байқаро темурийларга мансуб бўлган кучларни бирлаштириб, босиб келаётган Шайбонийхонга қақшатқич зарба беришда ташаббус кўрсатган бўлсада, лекин Ҳусайин Байқаронинг вафоти (1506) ва шахзодалар ўртасида авж олган ихтилоф бу ҳаракатни натижасиз қолдирди. Бу катта тадбирга умид боғлаган Бобур муваффақиятсизликка учрагандан кейин вақтинча чекинишга ва Қобулга қайтишга мажбур бўлди.

Ўз ҳужумларини давом эттирган Шайбонийхон Ўрта Осиёни босиб олиш учун жанубдан ҳарбий юриш бошлаган Эронлик шоҳ Исмоил қўшинларига қарши курашда Марв шаҳрида ҳалок бўлди. Қулай сиёсий ва ҳарбий вазиятдан фойдаланиб Бобур 1512 йилда Самарқандни учинчи марта ишғол қилди. Орадан олти ойлар чамаси вақт ўтгандан сўнг, Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахон катта куч тўплаб, Самарқандга, Бобур устига юриш бошлади. Убайдуллахон қўшинлари билан Бобур аскарлари ўртасида Самарқанд учун бўлган жангда Бобур мағлубиятга учраб, шаҳарни бўшатишга мажбур бўлади.

1525 йилда Бобур Шимолий Ҳиндистон ҳукмронлигини ўз қўлига киритишга муваффақ бўлади ва шу пайтдан бошлаб Ҳиндистон унинг иккинчи ватани бўлиб қолади. У ерда Бобур ўз атрофига ўша даврнинг энг яхши шоир ва олимларини йиғиб, қурилиш ишларини олиб боради, ўзининг севимли иши бўлган адабиёт билан шуғулланади.

Бобурнинг маърифатпарварлиги ҳам диққатга сазовор. У доим олим ва фозиллар, санъаткор кишилар билан бирга бўлишга, улар билан маслаҳат қилишга, ўз билимини тинмай оширишга интилди. Унинг тўрт ўғли (Ҳумоюн, Камрон, Аскарӣ, Ҳиндол) ва уч қизи (Гулчеҳра, Гулранг, Гулбадан) бўлиб, уларга ҳам ўзининг шу хусусиятларини сингдиришга ҳаракат қилган. Бобур давлатни бошқаришда ҳам ана шу тарзда маслаҳат, кенгаш билан иш тутиш лозимлигини уқтирди. Фарзандларидан Хумоюн, Камрон ва Гулбаданбегим шоир ва адиб бўлиб етишдилар. Бобур учун Ватандан узоқда, ғурбатда яшаш

ниҳоятда оғир эди. Бунинг устига узоқ вақт сарсон-саргардонликни бошидан кечириш, душманларига қарши узлуксиз кураш олиб бориш унинг соғлиғига таъсир қилган эди. “Бобурнома”да ўзининг оғир аҳволи, соғлиғи ёмонлашиб бораётганлиги ҳақида қуйидаги рубоийни ёзади.

*Жисмимга иситма куда маҳкам бўладур.
Кўздин ўчадур уйқу чу ахшом бўладур.
Ҳар иккаласмиғанми била сатримдек,
Борғон сайин бу ортадур, улкум бўладур.*

Бобур Ҳиндистонда беш йил ҳукм сургандан сўнг 1530 йилда Аграда ўзи обод қилган “Зарафшон” чорбоғида вафот этади. Кейинроқ бобурийлардан Шохжаҳон (Бобурнинг чевараси) ҳукмронлиги даврида унинг хоки Қобулда ясалган мақбарага кўчирилди.

Бобур Мирзо ўзи подшо бўлгани учун ҳеч кимга тобе эмас эди, ижод жараёнида ўзини бутунлай мустақил ҳис қилар ва эркин қалам тебратарди. Ўша даврнинг кўпгина сарой шоирларида бўлмаган ижод эркинлиги Бобур Мирзода бор эди.

Инглиз шарқшуноси Денисон Росе Туркистон, Афғонистонда ёзилган шеърларини Париж миллий кутубхонасидан, Ҳиндистонда ёзилган шеърларини эса Рампур кутубхонасидан топиб, 1910 йилда босма ва фотонусха ҳолида нашр эттирган.

Бобур шеърлари ҳижрон азобида қуйган дил кўзларидан оққан ёш билан ёзилган.

Уларда она юрт соғинчида адо бўлган фарзанднинг, ёр фироқида азоб чеккан ошиқнинг, ўз хатоларини англаб етган комил инсоннинг, боболари тож-давлатини сақлаб қололмаган ҳоконнинг аламлари ифодаланган.

*Ҳижрон қафасида жон қуши дом қиладур,
Гурбат бу азиз умрни кам қиладур.
Не нав битай фироқу гурбат шарҳин,
Кўз ёши наманинг юзин нам қиладур.*

Бобур ўз асарлари билан ўзбек адабиётини ва тилини ривожига, юксалишига, соддалаштиришга ва жонли сўзлашув тилига яқинлаштиришга муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбек тили тарихини ўрганишда “Бобурнома” бебаҳо хазинадир. “Бобурнома” XV - XVI - асрнинг муҳим воқеаларини бадиий акс эттирган прозанинг қимматли намунасидир.

“Бобурнома” қомусий характердаги асарлардан бўлиб, унда илм-фан, урф-одат, ижтимоий-сиёсий, табиий этнографик билимлар моҳирлик билан ифодаланган.

“Бобурнома” жаҳон адабиётининг нодир, дурдона асарларидан ҳисобланади.

Бобур ҳикматлари

*Яхшилик чун қилмадинг,
бори ёмонлиг қилмагил.*

** * **

*Борму эркин ҳеч нима оламда
хижрондин ёмон,
Ҳар неким ондин ёмонроқ йўқ,
будур ондин ёмон*

** * **

*Ўзунгни шод тутқил, ғам ема дунё
учун зинҳор -
Ки, бир дам ғам емакка арзимас дунёи
фарсуда*

** * **

*Ҳар нимага ғам ема – ғам кўп турур
Айш била ўзни овутмоқ керак*

** * **

*Душманики, бу даҳр забардаст
қилур
Нахват майидин бир неча кун маст
қилур
Ғам емаки, еткурса бошини кўкка,
Охир яна ер киби они паст қилур*

* * *

*Ёмон от била тирилгандин, яхиш
от билан ўлган яхишироқ*

* * *

*Жаҳон чун бевафодур, нечаким
андиша, Бобур, қил,
Ўзингни подшоҳи жумлаи олам
тасаввур қил*

* * *

*Жаҳонда айшу ишратдин кўнгил ором
топқайму
Киши то кўрмагунча ёнида маҳваши
дилоромин*

ШОҲ, АДИБ ВА ШОИР — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

Ҳар бир халқнинг тарихий, маданий-миллий қиёфасини аниқ белгиловчи улуғ шоҳлари, буюк олимлари, йирик адиб ва шоирлари бўлади. Чунончи, Искандари Мақдуний, Сукрот, Арасту, Букрот, Еврипид, Ҳомер номларини эслаганимизда, буюк эллин маданияти улуғворлиги ва нафосати билан кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Жалолiddин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Шайбонийхон, Абулғози Баҳодирхон, Амир Умархон, Муҳаммад Раҳимхон Феруз сингари шоҳ, хон ва амирлар; Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Абу Мансур ас-Саолибий, Маҳмуд Замахшарий сингари дунёвий: ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар алломалари; Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Мотуридий, Абу Зайд Дабусий, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор каби ҳадис, калом, дин ва тасаввуф илми уламулари; Юсуф Хос Ҳожиб, Ҳофиз Хоразмий, Мавлоно Лутфий Шоший, Алишер Навоий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Моҳларойим Нодира, Жаҳонотин Увайсий, Зокиржон Фурқат

ва уларнинг сафдошлари бўлган сўз санъаткорлари эса Ватанимиз ўтмиши қиёфасини тасаввуримизда жонлантиради.

Президентимиз Ислом Каримов шунинг учун ҳам миллий-маънавий кадриятларимиз вакилларининг таваллуд тантаналарини нишонлаш хусусида шундай ёзган эдилар: „Халқимиз республикаимиз ҳукуматининг Навоий, Улугбек, Бобур, Машраб, Фурқат, Қодирий ва юртимизнинг бошқа буюк фарзандлари юбилейларини утказиш тўғрисидаги қарорини жуда руҳланиб кутиб олганлигини бежиз эмас, деб ўйлаймиз. Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсоний кадриятларининг равнақи ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қилади. Биз уларнинг бебаҳо меросини халққа, аввало, ёшларга етказиш учун барча ишларни қиламиз“.

Инсониятнинг абадиятга мансуб буюк фарзандлари сафида бу йил таваллудининг 533 йиллиги нишонланаётган Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўз ўрнига эга. Кишилиқ тарихида Бобурчалиқ шахсий имкон, иқтидор ва фазилатлари беқиёс кишилар жуда кам учрайди.

Бобур — буюк подшоҳ, мумтоз шоир, назарийтчи адабийтшунос, фақиҳ, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони сифатида кўпқиррали фаолият ва ижод соҳиби эди. Биргина “Бобурнома” унинг йигирмадан ортиқ соҳаларга қизиққанлигига яққол мисолдир.

Бобур, биринчи навбатда, шоҳ, бобурийлар сулоласининг асосчиси. Балки, бобурийлар жаҳон тарихида энг узок йиллар (332 йил) ҳукмронлик қилган сулола бўлиб чиқар...

У подшоҳ сифатида лашкар тортиб шоҳларга хос мағлубиятларнинг аччиқ аламларию зафарларнинг улуғвор нашидаларини суришни кўп маротаба ўз бошидан кечирди. Отаси сингари улуг ҳимматли ва олий мақсадли шахс бўлганлигидан Фарғона вилоятини кичик жой деб ҳисоблаб, Самарқандга интилди. У ерда Шайбонийхондан енгилиб, Кобулга келди ва кейин Ҳиндистондек бепоён йирик мамлакат ҳукмдорига айланди.

Буюк шоҳ Бобур Ҳиндистонда темурийларга хос улуг бунёдкорлик анъаналарини давом эттирди: муҳташам қасрлар тиклаш, ариқ-каналлар қазилар, боғ-роғлар бунёд этиш, адабиёт, илмфан ривожига ҳомийлик қилиш, элни адолат билан бошқариш сингари фазилатлар кейинчалик Ҳиндистоннинг буюк фарзандлари томонидан чинакам ижобий баҳоланди. Ҳиндистоннинг буюк донишманд фарзанди, давлат арбоби Жавоҳир-лаъл' Неҳру ўзининг „Ҳиндистоннинг очилиши“ ва “Жаҳон тарихига бир на-зар” асарларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида самимиятга тўлиқ ушбу фикрларни изҳор этган:

“Бобур — дилбар шахс. Уйғониш даври ҳукмдорининг ҳақиқий намунасидир. У мард ва тадбиркор одам бўлган.

Бобур ўта маданиятли ва жозибали инсонлар орасида энг етук инсонлардан бири эди. У мазҳабпарастлик каби чекланишдан ва мутаассибликдан йироқ эди... Бобур санъат ва, айниқса, адабиётни севарди”.

*Не ерда бўлсанг, эй гул,
андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараҳхум айлагилким,
андиҷонийдур.*

Шоирона юртсеварлик, ватанфидойилик Бобур шахсида шунчалик тантана қиладики, буюк император Бобур энди Андижондан йироқликни, гарчи бу мартаба Ҳиндистон тахти бўлса ҳам, қисматдаги юз қаролик, деб ҳисоблайди:

*Толёй йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди?!*

Шеър таъсирчанлигини таъминлаган фикрий кашфиёт: толесизлик, жонга бало орттиришлик, хато қилишлик, юзи қаролик — буларнинг ҳаммаси ўз юртидан бош олиб кетишда, ғарибликни бўйинга олишдадир.

Кечагина Бобур ўзининг Кобулга ташрифи вақтинчалик экани, ҳамишалик (муқим) эмаслигига иқрор бўлган эди:

*Беқайдмену хароби сийм эрмасмен,
Ҳам мол йигиштирур лаим эрмасмен.
„Кобулда иқомат қилди Бобур“ дерсиз,
Андоқ демангизки, муқим эрмасмен.*

Ҳеч бир шоир Ватандан йироқлик фожиасини Бобурчалик кўп томонлама ва таъсирчан ифодалай олмаган бўлса керак. Бобур ғазалларининг асосий мавзуси ошиқона эҳтирослар, муштокликлар, ёлворишлар, изтироблару куйиб-ёнишлардир. Ошиқнинг маҳбубага илтижоси талқинида тазод усулида йигит юзининг кузги япроқдек сарғишу, сулувнинг лола юзи қирмизилигига диққат тортилгани таъсирчан:

*Хазон явроғи янглиғ гул юзунг
ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух,
бу чехраи зардим!*

Ошиқона муносабатларнинг Бобур топган ажабтовур зиддиятига қойил қолмасликнинг иложи йўқ: ошиқнинг маҳбубаси айрилигига сабр қилиши жуда мушкул. Бироқ учрашувда — висолда ҳам уларнинг чиқишмоқликлари бунданда мушкулроқ:

*Эй юзи насрин, қомати шамшод,
Неча қилурсен жонима бедод?
Сен киби пуркор, шеваси бисёр,
Билмади, эй ёр, ҳеч киши ёд.
Жаврда нодир, зулмда моҳир,
Ишвада қодир, ғамзада устод.
Ёр ғамидин, ҳажр аламидин,
Сабр камидин нолаю фарёд!*

***Бобури бедил, зй бути қотил,
Жаврунга мойил, зулмунга муътод.***

Бобур жозибали мумтоз ғазаллар ижодкоригина эмас, у рубоий жанрида ҳам ўз шахсий услубини намойиш эта олган улкан санъаткордир. Ўзбек мумтоз адабиётининг рубоий жанри ривожда Бобурнинг ўрни алоҳидадир.

Фалсафий ва тасаввуфий рубоийчиликда Умар Хайём форс адабиётида пешво бўлганидек, Бобур ўзбек адабиёти рубоийчилигида икки жиҳатдан: рубоийларининг кўплиги ва рубоийга таржимаи ҳолга доир деталларни сингдиргани билан бошқа мумтоз шоирларимиздан устун туради.

***Ашъорингким, шеър оти то бўлғай,
Табъ аҳли анга волау шайдо бўлғай.
Ҳар лафзи дуру баҳри маони анда
Ким кўрди дуреки анда дарё бўлғай?! —***

рубоийсини ўқиганимизда гап ким ҳақида бораётганини аниқ билмаймиз. Хаёлан мазмунини тушуниб олишга ҳаракат қиламиз:

*Дунёда шеър номи бор экан, сенинг шеърларингга
истеъдодлилар мафтуну шайдо буладилар. Шеърларингнинг
ҳар бир сўзи — гавҳар, лекин у гавҳарда маънолар денгизи
жойлашган. Денгизни ўзига сигдира олган гавҳарни ким
кўрипти?*

Бобур шоиргина эмас, **йирик адабиёт назариётчиси** ҳамдир. Шеършу-носликда аруз вазни масаласи ҳамиша асосий ва долзарб бўлган. Нега шоҳ Бобур бу соҳага жуда қизиқади? Гап шундаки, шеърятда кўп вазн қўллаш ҳодисаси муайян маънода шу адабиёт нуфузи ва савиясини белгилайди.

Ҳатто Ҳусайн Бойқаро девонидаги газаллар бир вазнда ёзилганини махсус қайд этар экан, бу ҳолни Бобур ижобий ҳодиса деб қарамаган.

Бобургача ўзбек тилида аруз илмига доир икки рисола ёзилган. Биринчиси — Шайх Аҳмад бин Худойдод Тарозийнинг „Фунун ул-балоға“ (1436/37) асари бўлиб, бундаги тўрт илмнинг бири аруздир.

Иккинчиси — Алишер Навоийнинг „Мезон ул-авзон“ асаридир. Бу рисолада **140** вазн ҳақида илмий маълумот берилган.

Навоийнинг „Фунун ул-балоға“ асаридан хабари бўлмаган кўринади. Бобур ўзбек тилидаги арузшуносликнинг бу манзарасидан яхши хабардор бўлгани учун ундан қоникмаган ва бу соҳага ҳисса қўшишга шайланган.

„Бобурнома“ни кўчирган котиб Бобурнинг аруз рисоласи номини „Муфассал“ деб кўрсатади. Дарҳақиқат, Бобур бу рисолани шундай ёзганки, унда асл, фуруъ ва зихофлар юзасидан ишлаб чиқилган 537 вазн миқдорига аҳамият берилса, тадқиқотнинг бежиз „Муфассал“ деб аталмаганига амин бўламиз. Ушбу маълумот келгусида Бобурнинг аруз рисоласи номини турли нашрларда ва мактаб адабиёт дарсликларида „Муфассал“ тарзида эълон қилинишини тақозо этади...

Бобур — фикҳ олими. Фикҳ — мусулмончилик фарз ва суннатлари ҳақидаги амалий низом илмидир. Бобурнинг нега бу соҳага қизиққанини унинг исми шарифи маъно-мазмунидан мушоҳада қилсак мақсадга мувофиқ бўлади. Зотан, исм ва унинг маъноси инсоннинг феъл-атвори ёки умрбод фаолиятининг мазмунини белгилайдиган муҳрдир.

Туз оҳ Заҳири дини Муҳаммад Бобир,

Юз оҳ Заҳири дини Муҳаммад Бобир.

Сарриштаи айшиди кўнгулни зинҳор

Уз оҳ Заҳири дини Муҳаммад Бобир.

Бобур — бадий тарясимон. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва уларнинг фарзанду невараларига ҳурмат-эътибори катта бўлган. Хожа невараларидан икки киши Бобур хизматида бўлган. Айниқса,

Хожа Калоннинг Бобур билан кадрдонлиги бир умрлик хизмати билан изоҳланади.

Бобур Хожа Убайдуллоҳ Ахрорнинг форс тилида насрда ёзилган „Волидия“ асарини шеърӣй усулда ўзбек тилига таржима қилган. Хожа Убайдуллоҳ бу асарни оталарининг тавсиялари билан ёзган:

***Отаси қилган учун таклифе,
Қилди овинг отига таълифе.***

Бобур ота сифатида бу асардаги ота тилидан фарзандга айтилган динийта-саввуфӣй ўғитларни ўз фарзандларига етказиш учун ушбу китобни назмда она тилига ўғирган.

Нега насрда эмас? Чунки назмни хотирада сақлаш имкони каттадир. Қолаверса, назмнинг ҳурмат ва эътибори насрга нисбатан жуда юқори ҳисобланган.

Таржимон таржимани бошлаш ва охирига етказиш сабабини „Вақоеъ“да шундай баён этади (матн табдили): „Жума куни, ойнинг йигирма учинчисида баданимда иситма зоҳир бўлди. Шундай бўлдики, жума намозини масжидда қийналиб ўқидим. Эртасига пешин намозини эҳтиёт юзасидан китобхонада бироз муддатдан сўнг ўқидим. Индини, якшанба куни яна иситмам чиқди, озроқ титрадим.

Сешанба кечаси, сафар ойининг йигирма еттинчисида ҳазрат Хожа Убай-дуллоҳнинг „Волидия“ рисоласини назм қилмоқ фикри кўнглимга келди. Ҳазрат-нинг руҳига илтижо қилиб, кўнглимдан кечирдимки: агар бу манзума ҳазратга маъқул бўлса, худди „Қасидаи Бурда“-нинг қасидаси маъқул бўлиб, соҳиби фалаж касалидан халос бўлгани сингари, мен ҳам бу ҳасталикдан фориғ бўлсам, назмим қабул қилинганига шу далил бўларди. Ушбу ният билан... рисолаи назм этишга киришдим. Ўша кечанинг ўзида ўн уч байт ёздим. Худди атайин келишилгандек, ҳар куни ўн байтдан кам битилмас эди. Дарвоқеъ, бир кунгина бу иш қилинмади. Ўтган йили ва балки ҳар гал бу ҳасталикка чалинганимда, ақалли бир ой, қирқ кун оғрирдим. Тангри инояти билан, ҳазратнинг ҳимматидан, пайшанба куни, ойнинг йигирма тўққизинчисида бирозгина иситмаладим, кейин мутлақо тузалиб кетдим.

Шанба куні, раби ул-аввал ойининг саккизинчисіда рисола сўзларини шеърга солиш ниҳоясига етди...".

Бобур — янги ёзув кашфиётчиси. Маданият тарихида ёзувларнинг аҳамияти катта. Маънавий меросни, маданият ва санъатни кейинги авлодларга етказадиган муҳим восита — ёзув (хат)- дир. Туркийлар ўз узоқ тарихларида кўплаб ёзувлардан, чунончи, туркруний ёзувидан, араб ёзувидан, уйғур ёзувидан фой-даланганлар. Бобур араб ёзувида савод чиқарган ва умри бўйи шу ёзувда иккиуч тилда матн битган, бу ёзувнинг ифода имкониятлари, ўзлаштириш усулларини яхши билган. Шунинг учун у бу ёзувни янада мукаммаллаштириш, осон-лаштириш, сўзни ҳар хил ўқиш нуқсонларини бартараф этиш мақсадида янги ёзув — Бобурий хаттини кашф этди. Унинг бу жасорати, биринчидан, маънавият ва саводхонликка куюнчаклигидан бўлса, иккинчидан, ўқиш ва ёзишни осонлаштириш, қулайлаштиришга интилиши туфайли эди.

Бобур таърифида

Бобур дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди.

Бобур шу пайтгача ўтган маъданиятли ва жозибадор инсонлар орасида энг етукларидан бири эди. Умаэҳабпарастлик каби чекланишдан ва мутаассибликдан йироқ эди.

Жавоҳарлаъл Неру

Буюк бобосининг тахтини даъво қилаётган Бобур Мирзо ўша вақтда ёш йигит бўлиб, шахзодаларнинг энг ақллиларидан эди. Уни ҳақли равишда Шарқу Ғарбнинг энг шарафли шахзодаларидан бири деса арзийди. Ўша замон шарқшуносларининг хотираларида у Шарқ қайсари (Цезарь)деб зикр этилади.

Ҳерман Вамбери

У ҳамма нарсага жасорат ва ҳалоллик билан эришди. Буюк мағлубиятлари устига буюк ғалабалар иморатини кура олди. Ёшликда кўрган омадсизликлари ўрнига кейинчалик улуғ омадлар унга ёр бўлди. Ниҳоят, у Ҳиндистон тарихида илгари ҳеч кутилмаган буюк салтанатга асос солди. Бобурнинг буюклги ана шу мезонлар ила ўлчанади

Муни Лаъл

Бизнинг шоирларимиздан ўзини Ҳайёмға ўхшатишга тиришганлар кўб. Навоийнинг, Лутфийнинг, Умархоннинг, Фазлийнинг ва бошқаларнинг хайёмона рубоийлари йўқ эмас, бор. Лекин буларнинг ҳеч бири рубоийда Ҳайёмға яқинлашишга, ўзини Ҳайёмға ўхшатишга муваффақ бўлган бирдан бир шоир машҳур Бобур Мирзодир.

Абдурауф Фитрат

Бобур подшоҳнинг фазилатлари бисёр ва камолотлари бешумордир. Аруз бўйича ёзган рисоласи бир денгуздирким, ичи тўла жавоҳиру дурдона, фикҳ масалаларини дағи бир рисолада мубайян қилганким, ёзувчиси донишмандлигидан бир нишона:- туркий ва форсийда яхши шеърлари бор.

Нисорий Хасанхожа

Бобурнинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган.

Холден Эдуард

БОБУР ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА МАҚОЛАЛАР

ГУЛ ВА БУЛБУЛ

Узоқ ўтмишда Нил дарёси бўйларидаги кишилар ва қадимги мисрликлар гулга нисбатан муқаддас гиёҳ сифатида муносабатда бўлганлар. Кейинчалик бу тасаввур ва тушунча Бобил (Вавилон) ва Эронга ўтган. Ўрта асрларда Европада гул номи билан боғлиқ шаҳарлар (Флоренция, Венеция) бунёд этилиб, улар номига муносиб мислсиз даражада гуллаб яшнаган. Қадимги Хитойда императорлар хонадонида гул алоҳида эъзозланиб парвариш қилинган, ҳукмдорларнинг

тожларни беаган. Хитойликлар турмушида бу ҳолнинг асоратини ҳозирги кунда ҳам кузатиш мумкин. Пайғамбаримиз саҳобаларининг айтишларича, Муҳаммад саллалоҳу алайҳи вассаламнинг бадан терларидан гул бўйи келар экан...

Халқимизда ҳам ёрни гул, гулни ёр дейди. Ёр ким эканлиги бизга маълум. Бинобарин, гул ҳақидаги тушунча илоҳий мазмун касб этган. Халқ оғзаки поэтик ижодида гул ҳақидаги кўшиқлар бутун бир циклни ташкил этади. Фольклоршунос профессор Ҳошимжон Раззоқов бу туркумдаги термаларни йиғиб “Гулёр” китобини нашр эттирган.

Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодида энг кўп қўлланган тимсоллар гул ва булбулдир. Улар воқеаларни туташтирувчи боғич сифатида ва фалсафий хулосалар чиқариш воситаси ўрнида такрор такрор тилга олинади. “Ҳазон бўлмаё боғда гуллар сўлмасин”, “Баҳорда очилган боғнинг гулисан”, “Қайси боғнинг, кўзим, тоза гулисан, Чаманда сайраган сен булбулисан?” Халқимизда қизлар исмига гул сўзини қўшиш одат тусини олган (Орзигул, Гулнора, Гулжамол ва ҳоказо).

Европада илм фан соҳиблари ва саъаткорларни бошларига лавр дафна гулчамбари кийдириш ёки бўйинларига осиш билан шарафланса, бизда кишиларнинг чаккасига гул қистириш одатлари бор. Ёзма адабиётдаги кўпгина поэтик тимсоллар дастлаб халқ оғзаки шеъриятида пайдо бўлган. Гул ва булбул тимсоли бунинг ёрқин далилидир. Албатта, бу тимсолларнинг мумтоз шеъриятимиздан кенг ўрин эгаллашида форс- тожик адабиётининг ҳам таъсири бўлганлигини инкор қилмаслик керак. Айни пайтда ушбу анъанавий поэтик тимсоллардан қайси шоир қандай мақсадларда фойдалангани ва уларни қандай тарзда янгилай олганлигига алоҳида диққат қилиш лозимдир.

Шуни инобатга олган ҳолда профессор Иброҳим Ҳаққулов мана бундай фикрларни баён этади: «Бобурда ўзига хос бир гулпарастлик завқи бор. Шоир баъзан гул тимсолини шундай ташхислантирадики, ҳаёлингизда гулдай нозик, гулдай сеҳрли бир санам жонланиб кетишини сезмай қоласиз. Бобур-шеърга гулнинг муаттар бўйи, рангин бўёқлари ва бетакрор жозибасини мужассамлаштирган шоир. Чунки қаламни у қачон фикр, қачон руҳ ва туйғу ёки ҳол ва эҳтирос «қўлига»

тутқазишни жуда яхши фарқлайди». Мумтоз адабиётда Атои, Саккокий, Гадоий, каби шоирлар ҳам ижодларида гул образига тез-тез мурожаат қилганлар.

Шу ўринда Атоининг ғазалидан гўзал тасвири байтига мурожаат этамиз:

***Уётқондин қизил гул кўнглаки ғарқи арақ бўлсин,
Юзи гулшан сари гулгун қиё бозин беа-беа...***

Алишер Навоийда ҳам гул ва булбул тимсоли алоҳида тасвир ва талқин этилган, бу ҳақда устоз навоийшунос Мақсуд Шайхзода қуйидаги байтни келтириб, шундай дейди:

***«Истамиш булбул вафо гулдин, магарким жолодин
Бағри қотмиш гунчанинг, баским эрур хандон анга.***

Бу бир байтнинг ўзида шоир ҳаётнинг ғамли бир манзарасини чизиб беради. Гулдан вафо кутган булбул бечора билмайдик, гунчанинг табассум қилиши сохтадир, чунки у шудринг доналаридан қотиб қолиб, доимо хандон кўринади».

Навоий лирикасида гул тимсолининг кўплаб рамзий маъно ва образлари баён этилган. Бу ҳақида ёзар экан адабиётшунос А. Валихонов Навоийдаги гул образини саккиз қисмга ажратади ва уларни алоҳида-алоҳида сарлавҳалайди .

Алишер Навоийдан яна бир байт:

***Зиҳи ҳарлаҳни булбул савтининг зотингга исботи,
Жаҳон боғида ҳар гул яфроғи ҳуснунгга миръоти...***

Бу байт ҳақида филология фанлари номзоди Каромат Муллахўжаева шундай фикр билдирган: “Жуфтликда қўлланган гул ва булбул тимсоллари, кўпинча, фақат шу туркум ғазалларгагина хос маъно-мазмун касб этган. Гул Оллоҳ гўзаллигини намойиш этиш учун бир кўзгу бўлса, булбул ана шу гўзаллик шайдоси”.

Мавлоно Лутфий ижодида эса гул ва булбул тимсоли бетакрор жилоланади:

***Юзунг сифоти Лутфи сўзин нозук айлади,
Гул садқаси дурур, неки булбул наво қилур...***

Бобурнинг яна бир салафи Умар Хайём ҳам гул, булбул тимсолидан жуда ўринли фойдаланган, бунга бир мисол:

***Гул кулиб боқарди, май жомда ёқут,
Бир маст булбул кўриб, этолмай сукут,
Юрак тили билан шивирлаб айтди:
Умр ўтиб боради, ҳар фурсатни тут.***

Гул тилга олинганда, албатта, булбул ҳам ёд этилади. Буни қарангки, улар ўзаро бир-бирига оҳангдош, назмда қофиядош ҳам.

***Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласен, ул шуълага мен қулдурмен.
Нисбат йўқдур, деб ижтиноб айламаким,
Шаҳмен элга, вале сенга қулдурмен!(87)***

Устоз Абдуқодир Ҳайитметов Бобурнинг ушбу машҳур рубоийси ҳақида шундай дейди: «Лирик қаҳрамон номидан Бобур ўзини маҳбубаси қошида камситиб, уни гул, ўзини бечора булбул, уни шуъла, ўзини кул деб атайди». Бобур ана шу «ҳақир булбул»ликни шоҳликдан ҳам юқори кўяди. Чунки гул-унинг маъбудаси. Бинобарин гул ва булбул Бобурнинг энг севган ва қайта- қайта мурожаат қилган тимсолларидан эди. Бобур ёрни тўғридан-тўғри “гул” деб атайди ва унга “гул” деб мурожаат қилади. Бинобарин, Бобур ёрни гулга нисбат беради ва дейди:

***То сабо зулфини ул гулнинг паришон айлади,
Жон била ақлу кўнгулни елга бердим совуруб.(19)***

Байтда “сабо” ва “ел” синонимларини ўз ўрнида қўллаганини таъкидлаш лозим. Пора-пора бўлган кўнгилни шоир гул ғунчасига ўхшатади: “Чок кўнглум ҳайъати гул ғунчаси андомида” (яъни кўнгилнинг кўриниши гул ғунчаси шаклида)

Жомий ҳам ошиқнинг ҳижронда қон ютган қалбини гулнинг қатма-қат ғунчасига ўхшатиш билан лирик қаҳрамоннинг ахволини намоиш қилади, кейинги мисрада эса ошиқ бундай

ахволдан лоладек қонли ёшлар тўкади:

***Сенингсиз гунчадек дил гарқи хундир,
Кўзум ёшини кўргил, лолагундир...***

Бобурнинг бошқа бир газалида ўқиймиз:

***Бобур, ул гул кўйида булбул киби топтинг мақом,
Бир “Навое Рост” қил мундоқ мақоминг борида.(17)***

Яъни: Бобур, гулнинг кўйида булбул мақомига эришдинг, шундай даражанг борида бир «Рост» навосини айт. “Навойи Рост” – халқ мақомларидаги куйнинг бир шўъбаси. Кўриниб турибдики, шоир Булбул мақомини улуглаяпти ва унга ҳавас қиляпти.

***Юзунгдин айру мен хор, эй азизим,
Киши гулдин айирмас хорларни.***

Шоир бу ўринда ёрга “азизим” дея мурожаат қилиб, ўзини “хор” деяпти. Айрилиқда таҳқирланганини, гулдан тиконни ажратиб бўлмаслигини таъкидлаш билан “хор” сўзининг икки хил маъноси борлигини, шоир уни ўша икки хил маънода қўллаганини унутмаслик лозим. Биринчи мисрада “Сендин айрилиб хор бўлдим” деса. Иккинчи мисрада эса гулдан тиконни айирмаслик лозимлигини айтади.

Ёр юзини гулга қиёслаш, ёрни “юзи гул” дея таърифлаш Бобур учун доимий ифодадир:

***Гаҳи гулдек юзини ул шакар сўзлукни исласам,
Гаҳи шаккар киби ул юзи гулнинг лаълидин тотсам.(40)***

Бобур ижодида бус-бутун гулга бағишланган шеърлар ҳам талайгина. “Гунчадек кўнглум менинг гулзор майли қилмағай”, “Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим”, “Гул жамолин ёпқон ул гулнинг ики райҳонидур” мисралари билан бошланувчи ғазаллари ана шундай ғазаллардандур. Шоир лирик қаҳрамонининг кечираётган ҳаяжонлари, қайғу ва шодликлари реал ҳаёт лавҳаларининг унинг қалбидаги аниқ

инъикосидир. Шоир ана шу лавҳаларни гўзал, равон, оддий, аммо чуқур ифодалар ёрдами билан тасвирлайди:

***Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида саргардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лола руҳ, бу чехраи зардим.***

Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Аёғингга тушуб барги хазондек мунча ёлбордим.

Ғаройиб манзара тасвири берилган ушбу сатрларда ҳам шоир ёрга қарата, “эй гул” деб мурожаат қилганининг шохиди бўламиз.

***Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,
Мен арчи даҳр бозидин хазон япроғидек бордим.*** (38)

Мен бу дунёдан хазон бўлган япроқ каби кетар бўлсам ҳам, сен гўзаллик гулшанида гул каби яшнаб қол. Байтда гул хазон япроғига қарама-қарши қўйилган. Натижада, тазод санъати рўёбга чиқяпти. Устоз Азиз Қаюмов мана шу ғазал хусусида шундай ёзади: «Бобурнинг лирик шеърларида ифодаланган севги туйғулари чуқур самимият билан суғорилган.

***Гул жамолин ёпқон ул гулнинг ики райҳонидур,
Ғунча сиррин очқон ул икки лаби хандонидур.***

Бу байтда суратий ташбеҳ – истиоравий ташбеҳ мавжуд. “Гул” сўзлари икки хил маънода қўлланган: биринчисида бевосита ёр назарда тутилган бўлса, иккинчисида – “гул жамолин” бирикмасида “гул” сифатлаш бўлиб келган. “Ики райҳонидур” деб шоир ёр чехрасининг икки четидаги гажакларини кўзда тутган. Бобур ўз шеърларида баъзан худди мусаввир каби манзара чизади:

***Ўқи захмини кўриб ҳар ён танимда, эл дегай
Ким, бу кўҳи дарднинг ул лолаи Нуъмонидур.*** (25)

Тасаввур этинг: ошиқ танасида маъшуқа ўқларидан жароҳатлар бисёр, халойиқ бу ҳолни кўриб: “Булар – дард тоғининг қип-қизил лолалари-ку”, — дейди.

«Гул», «булбул» тимсоли Бобурнинг ўз ички дунёси ва изтиробли руҳий ҳолатларини ҳаққоний ва равшан ёритишига илҳомлантирган ва восита бўлган.

***Ғунчадек кўнглум менинг гулзор майли қилмағай,
Ғам била бутган кўнгул гулгашт ила очилмағай.***

Байтдаги «ғунчадек», сифатлаши «гулзор майли»га рағбатсизлик шоирнинг кўнгил ҳолини шархлайди. Чунки уни ғам-ғусса эгаллаб олган (яъни ғам билан кўнгил йўғрилган). Шунинг учун ҳам у ҳеч маҳал «гул гашт ила» очилиб-сочилмайди. Буни кимгадир англатиш ва изҳор айлаш керакми? Ранго-ранг гул етиштирувчи боғбон ҳаёлга келади. У ҳар кўнгилни гул ва гулзор ошуфта айлайди, деб ўйлайди. Аммо «таҳ-батаҳ» «қонлуқ кўнгул»нинг аҳволи ўзгачадир:

***Ранга-ранга гулларингни, боғбон, раз этмаким,
Таҳ-батаҳ қонлиқ кўнгул гул орзусин қилмағай...***

Боғбон, ранг-баранг гулларингни кўп мақтама: лахта-лахта қонли кўнгилга гул ҳаваси сиғармиди?

***Йўқтур улким гул юзунгдин айру боқсам гул сари,
Ғунча янглиғ кўнглума юз хори ғам санчилмағай.***

Лирик қахрамон гулзордаги гулдан юз буриб, ўзининг ҳаёт гулини шарафлайди: «Гул юзингдан кўз олиб, гулга назар солмасман, шунда ғунчадек кўнглимга юзлаб ғам тиконлари санчилмайди», - дейди у.

Навбатдаги байтда ўқиймиз:

***Оразу қаддингни таъриф этсалар юз йил, ҳануз,
Эй юзи гул сарвқад, юздин бири айтилмағай.***

Эй юзи гул, сарвқад! Жамолингни, қадду қоматингни юз йилдан буён таъриф этсалар ҳам, юздан бирини-да ҳали айта олганлари йўқ. Шунинг учун мана шу гулдан ажралмаслик зарур:

***Сендин айрилдим эса бўлди насибим хори ғам,
Сендин, эй гул, эмди Бобур бир замон айрилмағай. (61)***

Сендан айрилганимда, насибам ғам тикони бўлди, эй гул, Бобур энди сендан бир зум айрилмайди. Бошқа бир ғазалида шоир:

***Сен гул киби то ғамзадасен ҳуснунга мағрур,
Булбул киби мен ғамзада ҳуснунга ҳайрон.***

“Ғамзадасен” сўзи билан “ғамзадамен” сўзи талаффузда ҳам деярли бир хил, фақат бир товуш билан фарқланади. Бироқ биринчи “ғамзадасен” ноз-фироқ қиялпсан маъносини англатса, иккинчи “ғамзадамен” сўзи эса ғамнокман маъносини билдирипти. Бобур гул ва булбул тимсолини қаерда қўллагасин, маъшукани ҳаёт бўстониинг тенгсиз гули, ошиқ тақдирини ҳал қилувчи гўзаллик маъбудаси сифатида таърифлайди. Ва унга куллигини такрор-такрор қайд этиб ўтади. Шак- шубҳа йўқки, қуйидаги сингари сатрлар Бобур шеърятининг ўзига хослиги, ҳаётийлиги, вақт ва замонга бўйсунмаслигини намоиш қилади:

***Юзунг била лабларинг эрур гулу мулдек,
Балким, юзунг олида эрур гул қулдек.***

Бобур киби ишқдин дам урмайдур эдим, Эй гул, мени ишқинг айлади булбулдек.(78) Ушбу рубоийдаги “Балки юзунг олида эрур гул қулдек” қиёсига эътиборингизни тортамин. Гулни қулдек чоғлаш! Оригинал қиёсий ташбеҳ. Анъанавий Гул билан Булбул тимсоллари Бобур ижодида ана шу тарзда талқин этилган.

“Шоҳ ва шоир” мавзусидаги адабий кеча сценарийси.

Кеча ўтказиладиган зал байрамона руҳда безатилган. Тўрда Заҳириддин Муҳаммад Бобур портрети , шунингдек, унинг шеърларидан, ривоятларидан парчалар ёзилган плакатлар осилган.

Сахнага икки бошловчи чиқиб келади.

1- бошловчи:

*Жонимдин ўзга ёри вофодор топмадим ,
Кунглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.*

*Жонимдек ўзга жонни дилофгор курмадим,
Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.*

2- бошловчи:

*Кўнгли тилаган муродига етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши,
Бу икки иш муяссар булмаса оламда,
Бошини олиб бир сарига кетса киши.*

1- бошловчи:

Ассалому алайкум, хурматли меҳмонлар, азиз ўқувчилар. Бугун биз шох ва шоир, давлат арбоби ҳамда буюк саркарда Захириддин Мухаммад Бобур таваллудига 533 йил тўлганлиги муносабати билан ўтказилаётган ушбу байрам кечасига тўпландик.

2- бошловчи:

Захириддин Мухаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Андижонда Умаршайх Мирзо хонадонида таваллуд топди. Саройда шахзодаларга хос муносиб таълим – тарбия олган Бобур отаси вафотидан сўнг 12 ёшида тахтга ўтирди.

1- бошловчи:

Бобур тож – тахт учун бўлган урушлар туфайли Андижондан чиқиб кетиб, Хиндистонда буюк бобурийлар сулоласига асос солди. Хиндистонда қудратли салтанат ўрнатган, давлатнинг гуллаб- яшнашида катта хисса қўшган сеvimли шоиримиз 1530 йил Агра шахрида оламдан ўтди.

2- бошловчи:

У ўз умри давомида “Бобурнома”, “Мубаййин-ал – закот”(Закот баёни),”Хатти Бобури”, “Харб иши” каби кўплаб насрий ва шеърий асарлар яратди.

1- бошловчи:

Ҳозир ўқувчиларимиз томонидан ёд олинган Бобур рубоийларидан тинглаймиз. (Саҳнага 5та ўқувчи зарчўпон, дўппиларда чиқадилар.)

1- ўқувчи:

*Даврон мени ўткарди сару самондин,
Айирди мени бир йўла хони мондин.
Гах бошима тож, гах балойи таъна,
Неларки бошимга келмади даврондин.*

2- ўқувчи:

*Ҳар ишда шитоб қилмагайсан,
Бу демак муродга етмагайсан.*

3- ўқувчи:

*Бировниким бировдин кўнгил қолур,
Киши юз сўз бирла кўнглин олур.*

4-ўқувчи:

*Ёд этмас эмиш киши
 меҳнатда киши,
Шод этмас эмиш кишини
 ғурбатда киши.
Кўнглим бу ғариблиқта шод
 ўтмади ҳеч,
Ғурбатда севинмас эмиш албатта
 киши.*

5- ўқувчи:

*Неча нафинга бўлурсан тобе,
Неча умрингни қилурсан зое.*

Бошловчи:

Энди тадбиримизга ташриф буюрган тарихчи олимимизга сўз берамиз.

Бошловчи: Рахмат.

Ҳозир, мактаб ўқувчилари томонидан тайёрлаб келинган кўшиқ ижро этилади.

1- бошловчи:

Бобур Ҳиндистонда шох бўлсада, бир умр Ватаним, унинг тупроғини бағрикенг одамларини соғиниб яшади.

2- бошловчи:

У ўзга юрт тожи тахтидан Ватанинг бир сиқим тупроғини афзал деб билди. Шоир ғазалларида, рубоийларида армонга айланган Ватан соғинчини хис этамиз.

(Мактаб ўқувчилари томонидан кичик сахна кўриниши намойиш этилади.)

Майин муסיқа янграйди.

Бобур тахтда ўтирибди. Атрофдаги уч-тўрт мулозимлари билан мамлакатдаги сиёсий ахвол, солиқлар тўғрисида суҳбатлашмоқда. Шунда соқчи келиб бир киши Бобурнинг хузурига кириш учун изн сўраётганини айтади.

Бобур: -Рухсат, хузуримга олиб келингиз.(Нотаниш киши қўлида қовун билан кириб келади ва таъзим қилади.)

Киши: Ассалому алайкум,хазратим. (Таъзим келтиради.) Мен савдогарман. Сизнинг хузурингизга келишимдан мақсад Андижондан келтирилган қовундан олиб келдим. Она юртимиздан олиб келинган бу неъматдан тотиб кўринг, хазратим. Зора соғинчингизга малҳам бўлса. (Бобур секин тахтдан тушиб келиб титроқ қўллари билан қовунни олади. Уни узоқ хидлаб юз-кўзларига суртади ва ўта ғамгин холда гапиради.)

Бобур: Раҳмат, сизга. Ватанимнинг хуш бўйларини олиб келган бу қовунда Андижон шамолию , мусаффо хавосини, табаррук тупроғининг исини, бекиёс экинзорларининг гўзаллигини,болалигим ўтган гўзал водийларманзараси,дилкаш халқимнинг нафасини, ота-онам меҳрини туйдим. Киндик қоним тўкилган Ватан –менинг бешигим, соғинчим ва туганмас армонларимдир.

*Толе йўқки жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиқ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд зори юзландим,
Ё,раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди.*

1- бошловчи:

Буюк шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеървати ўзининг нодир ва бадиий қиммати билан ҳам адабиётимизда катта ўрин эгаллаган.

2 –бошловчи:

Ҳа, Бобур иймони бутин инсон бўлган, ана шу эътиқод, унинг ўз иқрорига кўра, уни доимо турли бало-қазолардан муҳофаза қилган.

*Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қароси, жавҳари ҳам биз.
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак
Шаксиз, унинг кўзи, гавҳари ҳам биз.*

1– бошловчи: Мумтоз адабиётимиз, тарихий асарларимизни мутолаа қилишдан мақсадимиз ундаги зарра-зарра ганжинларни бугунги ёшларимиз онгига етказиб, ҳаётда тўғри, жамият учун манфаатли йўлга киришларига кўмаклашишдир.

Ҳурматли меҳмонлар, азиз ўқувчилар бугунги кечамизни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сўзлари билан якунласак.

Унда киши умрини мазмунли, баракали, ўзидан кейин доғ ва маломат қолдирмасдан яшаши, бу заминда яшашдан мақсад, одамларни эзгуликка етаклаш гарови бор. Унга амал қилиш ҳаммамизга насиб этсин:

Борму эркин ҳеч нима

оламда ҳижрондин ёмон.

Ҳар неким ондин ямонроқдур,

будур ондин ёмон .

«Маълумотлар хазинаси»

«**Бобурнома**» – XVI аср ўзбек насрининг бетакрор намунаси бўлиб, бу мемуар ва тарихий –илмий асар тахминан 1518-1530 йилларда ёзилган. «**Бобурия**», «**Воқеоти Бобур**»

«Воқеанома», «Тузуки, Бобурий» «Табақоти Бобурий» ва «Таворохи Бобур» номлари билан ҳам машҳур. Бобурнинг ўзи «Вақое» ва «Тарих» номлари билан тилга олган. Унда 1494-1529 йилларда Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистондаги воқеалар муаллиф ҳаёти ва фаолияти, унинг муносабати ва баҳоси билан боғлиқ ҳолда ўта аниқ ва холислик билан ёритиб берилган.

Бобурнома да баён қилинган воқеалар содир бўлиш ўрни ва вақтига кўра учга: Мовароуннаҳр (1494-1504), Афғонистон (1525-1530) да Бобур ҳукмдорлик қилган даврга бўлинади. Биринчи қисмда 12 ёшли Бобурнинг Фарғона тахтига ўтириши (1494) дан бошлаб, унинг отаси ва авлодлари ҳақида, темурийлар ўртасида авж олган ўзаро урушлар (XV асрнинг 90-йиллари), Самарқанд тахти учун Шайбонийхонга қарши олиб борган жангу жадаллар (1497-1501) ва барча саъй-ҳаракатларининг беҳуда кетиб, Қобулга юз тутишигача (1504) бўлган воқеалар кенг ёритилади. Иккинчи қисмни Қобулни забт этиб, бу ерда марказлашган давлат тузиш учун кураши, ички тартиб-интизом ўрнатиши, мамлакат тараққиёти ва ободончилиги учун олиб борган саъй-ҳаракатлари Исмоил Сафавий билан иттифоқ тузиб, Самарқанд тахтини эгаллаши (1511), лекин шайбонийлардан енгилиб (1512) яна Қобулга қайтиши ва Ҳиндистон юришига тайёргарлик кўриши билан боғлиқ воқеалар ҳикоя қилинади. Учинчи қисми эса Бобурнинг Панипат жангида Дехли султони Иброҳим Лўдийни енгиб, Ҳиндистонни эгаллаши, Раёно Сангони мағлубиятга учратиб, Шимолий Ҳиндистонни ҳам ўзига бўйсиндиргани (1527) ва бобурийлар давлатини барпо этгани ҳақидаги маълумотлардан иборат.

«Бобурнома» тарихий –мемуар асари шоирга оламшумул шухрат келтирди. Унда XV аср охири –XVI аср бошларида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистонда кечган воқеалар, темурийлар салтанатининг инқироzi, шайбонийларнинг ҳокимият тепасига келиши содда услуб, самимий руҳда ўзининг ҳаққоний ифодасини топган. Асарда Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбоний, Убайдуллоҳон, Шох Исмоил Сафавий, Иброҳим Лўдийкаби ўнлаб ҳукмдорлар, Алишер Навоий, Камолиддин Биноий, Муҳаммад Солих, Беҳзод, Хондамир, Мирзо Хайдар сингари қатор адабиёт ва санъат намоёндалари тўғрисида маълумот ва хотиралар келтирилган.

Қомусий характердаги бу асарда, шунингдек, Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон мамлакатлари тарихи, маданияти, табиати, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, шаҳар ва қишлоқлар, бу ерларда яшайдиган халқларнинг турмуш тарзи, урф-одат, анъаналари, диний эътиқод ва маросимлари, турли ижтимоий табақалар, ҳарбий санъат ва жанг қуроллари, ўзининг уруш- юришлари, турли фанларга оид кўпдан кўп маълумотлар ва бошқалар ўрин олган.

Айтайлик, асарда минггача географик ном- мамлакат, шаҳар, қишлоқ, қалъа, дашт, тоғ, довон, дара, дарё, кўприк, кечик, кўл, чашма, боғ, яйлов, ўтлоқ ва бошқа жойларнинг номлари тилга олинган. Юзлаб географик номлар тарихий ва луғатий жиҳатдан изоҳланган. Асарнинг илмий-танқидий матнини яратган япон олими Эйжи Мано бежиз уни маълумотлар хазинаси деб атамаган эди. У шох асари «*Бобурнома*» билан жаҳоннинг энг машҳур муаррихлари сафидан жой олди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 533 йиллигига бағишлаб ташкил қилинадиган китоб кўргазмаси учун тахминий мавзулар.

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур мероси.
2. Улуғ адиб ва аллома.
3. Уйғониш даврининг улуғ сиймоси.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 533 йиллигига ташкил қилинадиган китоб кўргазмасида Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида ёзилган адабиётлар, рўзнома ва ойномаларда чоп этилган мақолалардан фойдаланиш мумкин.

Китоб кўргазмасида маънавий, ахлоқий қадриятларни тиклашга бағишланган Президентимиз сўзларидан цитата сифатида фойдаланишни тавсия этамиз

“Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.”

И.А.Каримов.

“Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Ал-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломаларнинг маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир.”

И.А.Каримов.

“Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз Ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди.”

И.А.Каримов.

“ ... Навоий, Улуғбек, Бобур, Машраб, Фурқат, Қодирий ва халқимизнинг бошқа буюк фарзандлари.. Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсоний қадриятларининг равнақи ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қилади. Биз уларнинг бебаҳо меросини халққа ва аввало ёшларга етказиш учун барча ишларни қиламиз”.

И.А.Каримов.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Очилов Эргаш

Заҳириддин Муҳаммад Бобур: рисола / Э.Очилов; маъсул муҳаррир
Қ.Ражабов – Тошкент: Ўзбекистон. 2012.- 136 бет

2.Қудратуллаев Ҳасан

Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси / Ҳ.Қудратуллаев;
Хайриддин Султон таҳрири остида – Т.: «Шарқ»,2011. -432 б

3. Интернет тармоғидан олинган маълумотлар